# ҲОЗИРГИ ЗАМОН ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ: СИЁСАТ, ИҚТИСОДИЁТ ВА ҲУҚУҚ

**Мавзусидаги ёш олимларнинг III республика илмий-амалий конференцияси материаллари**

*2015 йил 18 ноябрь*

# АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ МЕЖДУНАРОДНЫХ ОТНОШЕНИЙ: ПОЛИТИКА, ЭКОНОМИКА И ПРАВО

**Материалы III республиканской научно-практической конференции молодых ученых**

*18 ноября 2015 года*

"Ҳозирги замон халқаро муносабатларининг долзарб масалалари: сиёсат иқтисодиёт ва ҳуқуқ" мавзусидаги ёш олимларнинг III республика илмий-амалий конференцияси материаллари (Тошкент, 2015 йил 18 ноябрь). – Т. ЖИДУ, 2015. – 230 б.

**Нашр учун масъул:** Н.А. Нугманов

**Таҳрир ҳайъати:** Т.В. Зайцева,
А.Р. Мўминов,
М.М. Хамдамов,
М.М. Бахадиров

**Тузувчи:** Н. Нодирхонова

Ушбу тўпламда "Ҳозирги замон халқаро муносабатларининг долзарб масалалари: сиёсат, иқтисодиёт ва ҳуқуқ" мавзусидаги ёш олимларнинг III республика илмий-амалий конференцияси материаллари тақдим қилинган.

**Тўплам мақолаларида ҳозирги замоннинг сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий соҳаларидаги халқаро муносабатларнинг долзарб масалалари таҳлил қилиниб, илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.**

**© Муаллифлар жамоаси, 2015.**
**© Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, 2015.**

# I. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ДОЛЗАРБ ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ

*O. Nayimov, UWED*

## PARLIAMENTARY DIMENSION OF THE UN DEVELOPMENT GOALS

The landmark 70$^{th}$ session of the United Nations General Assembly has commenced its work on 15 September, 2015 by ambitiously declaring international Sustainable Development Goals, also known as Global Goals. This global program is expected to replace equally ambitious UN Millennium Development Goals[1] (MDG), adopted in September, 2000 at the Millennium Summit ranging from 2000 to 2015. Both are the UN international target plans with global commitment that aim, as rightly described by the UN Secretary General Ban Ki-Moon to "spare no effort to free our fellow men, women and children from the abject and dehumanizing conditions of extreme poverty[2]".

The MDG-2015 report shows that thanks to concerted efforts at all levels the world community has achieved unprecedented progress in addressing these major eight target points. Along with the profound achievements, MDG-2015 report also acknowledges uneven progress in different parts of the world as well as shortcomings in some fields thus recognizing the need to pave the way for a new development period to complete the work. According to this comprehensive report the number of people living in extreme poverty has declined significantly by more than half and most progress in this field has occurred since 2000; the literacy rate among youth has increased globally from 83 percent to 91 percent and the educational gap between men and women has narrowed; more girls are enjoying the benefits of universal primary education than any time before, the number of women parliamentarians has nearly doubled; maternal mortality ratio has declined by 45 percent worldwide; new HIV infections dropped approximately 40 percent, the global malaria incidence rate has fallen by an estimated 37 percent and the mortality rate by 58 percent, tuberculosis prevention measures saved an estimated 37 million lives; report also demonstrates remarkable progress in ensuring environmental sustainability; a solid basis for global partnership for development has resulted in increased development assistance from developed countries by 66 percent, the internet penetration and mobile-cellular subscriptions has dramatically grown[3].

Despite significant achievements made on the framework of MDG, we can still witness huge gap between rich and poor, poverty is still rampant; climate change hindering global progress thus effecting millions of lives around the globe; conflicts and wars are getting more destructive and unfortunately the number of hotspots and potential conflict zones are increasing. Therefore, the urgency and scope of these

[1] UN MDG has called for a genuine global partnership at the onset of the new millennium for achieving universally declared targets. These goals included eradicating poverty and hunger, achieving universal primary education, gender equality, reducing child mortality and improving maternal health, combating wide-spread diseases, such as HIV/AIDS, Malaria and etc., environmental protection and developing global partnership for progress.

[2] From the UN Millennium Development Goals Report – 2015. Available at: http://www.un.org/millenniumgoals/2015_MDG_Report/pdf/MDG%202015%20rev%20(July%201).pdf

[3] An extract from UN MDG Report. New-York, September, 2015.

*J. Usmanov, UWED*
IMPLICATIONS OF EURASIAN INTEGRATION ON CENTRAL ASIA: SECURITY AND POLICY .......... 42
*M. Abdullaeva, IRFP*
THE GREAT POWERS IN THE NEW MIDDLE EAST .......... 44
*A. Boydedaev, UWED*
ONE BELT ONE ROAD – A DEVELOPMENT PLAN AND A DIPLOMATIC STRATEGY .......... 48
*И. Исламов, УМЭД*
ИНТЕГРАЦИОННЫЕ ПРОЦЕССЫ НА ПРОСТРАНСТВЕ СНГ НА УРОВНЕ РЕГИОНАЛИЗАЦИИ .......... 50
*Ф. Тагаева, УМЭД*
ЭВОЛЮЦИЯ СТРАТЕГИИ ВНЕШНЕЙ ПОЛИТИКИ ЯПОНИИ В ПОСЛЕВОЕННЫЙ ПЕРИОД .......... 54
*М. Мирхамидова, УМЭД*
УЧАСТИЕ СТРАН ПЕРСИДСКОГО ЗАЛИВА В РЕГИОНАЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЯХ .......... 60
*Касим Абдулла Мухаммед Мукбиль, УМЭД,*
*М. Мирхамидова, УМЭД*
ДВУСТОРОННИЕ ОТНОШЕНИЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН СО СТРАНАМИ ПЕРСИДСКОГО ЗАЛИВА .......... 65
*Касим Абдулла Мухаммед Мукбиль, УМЭД*
СОТРУДНИЧЕСТВО РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН С СУЛТАНАТОМ ОМАН .......... 68

**II. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ДОЛЗАРБ СИЁСИЙ МАСАЛАЛАРИ**

*Н. Кадирова, УМЭД*
НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИСТОЧНИКИ КОНСУЛЬСКОГО ПРАВА .......... 72
*И. Черкашина, Ф. Хасанова, ЖИДУ*
ИҚТИСОДИЙ САНКЦИЯЛАР ТАШҚИ САВДО БИТИМЛАРИДА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШ АСОСЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА .......... 76
*F. Tashev, JIDU*
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA HISOB-KITOBNING AKKREDITIV TURINI TARTIBGA SOLISHNING HUQUQIY JIHATLARI .......... 79



*У. Сайдахмедов, ТДЮУ*
ЎЗБЕКИСТОНДА ЮРИДИК ХИЗМАТ СОҲАСИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ .......... 86
*У. Сайдахмедов, М. Рахимов, ТДЮУ*
ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТАЪЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ: ЎЗБЕКИСТОНДА БМТНИНГ МИНГЙИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ ДОИРАСИДА “БОШЛАНҒИЧ ВА ЎРТА МАКТАБЛАРДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ” ДАСТУРИНИНГ ИЖРОСИ .......... 90
*N. Nodirxonova, JIDU*
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING BMT FAOLIYATIDAGI ISHTIROKI .......... 94
*S. Akilov, UWED*
CHARACTERISTICS AND FUNCTIONS OF THE INTERNATIONAL LABOUR ORGANIZATION .......... 98
*Ф. Мируктамова, ЖИДУ*
ЮВЕНАЛ ЮСТИЦИЯ ФРАНЦИЯ ТАЖРИБАСИДА .......... 105
*К. Халикова, УМЭД*
МЕЖДУНАРОДНЫЙ АРБИТРАЖ И СУДЕБНОЕ РАЗБИРАТЕЛЬСТВО ПРИ РАЗРЕШЕНИИ МЕЖДУНАРОДНЫХ ИНВЕСТИЦИОННЫХ СПОРОВ НА ПРИМЕРЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН .......... 109
*А. Абдужалилов, ЖИДУ*
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА ОИД АСОСИЙ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТУРЛАРИ .......... 115
*Ж. Мажидов, ЖИДУ*
АРБИТРАЖ СУДИ- ХАЛҚАРО ТИЖОРАТ НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШНИНГ ИШОНЧЛИ ЙЎЛИ .......... 119
*B. Atemov, JIDU*
ODAM SAVDOSI – TRANSMILLIY JINOYAT SIFATIDA .......... 123
*Р. Нигматова, УМЭД*
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ДОГОВОР В СИСТЕМЕ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ МЕЖГОСУДАРСТВЕННЫХ ОТНОШЕНИЙ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
В ТОРГОВО-ЭКОНОМИЧЕСКОЙ СФЕРЕ .......... 129

Мисол учун, Ўзбекситон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги каби вазирликларда юридик хизмат ходимларнинг штат жадвали битта, Давлат солиқ ва Табиатни муҳофаза қилиш қўмиталарида учта ташкил этиши бунинг яққол далилидир.

*У. Сайдахмедов, М. Рахимов, ТДЮУ*

## ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТАЪЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ: ЎЗБЕКИСТОНДА БМТНИНГ МИНГЙИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ ДОИРАСИДА "БОШЛАНҒИЧ ВА ЎРТА МАКТАБЛАРДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ" ДАСТУРИНИНГ ИЖРОСИ

Келажакда инсоният олдида турган умумбашарий муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини белгилаб олишга бағишланган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2000 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган Мингйиллик саммитида БМТга аъзо 189 давлат вакиллари мазкур нуфузли ташкилотни ислоҳ этиш, фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг янги аср даъватларига муносиб жавоб бера оладиган, глобаллашув жараёни тобора чуқурлашиб бораётган бир пайтда халқаро саъй-ҳаракатларни самарали мувофиқлаштира оладиган механизм сифатидаги имкониятларини янада мустаҳкамлашга қаратиятан масалаларни кўриб чиқдилар ва шулар асосида БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари белгилаб олинди. Ўта қашшоқлик ва очликка барҳам бериш, умумий бошланғич таълимга эришиш, гендер тенглигини рағбатлантириш, аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, болалар ўлимини камайтириш, оналар саломатлигини яхшилаш, ОИВ/ОИТС ҳамда бошқа юқумли касалликларга қарши курашиш, экологик барқарорликни таъминлаш, ривожланиш мақсадида глобал ҳамкорликни кучайтириш билан боғлиқ саккизта устувор мақсад шулар жумласидандир. Мингйиллик Декларациясида белгиланган олий мақсадларга 2015 йилда эришиш зарурлиги бош режа қилиб белгиланди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Минг йиллик ривожланиш мақсадларидан бири "Бошланғич ва ўрта мактабларда таълим сифатини яхшилаш" билан боғлиқ бўлиб, Минг йиллик ривожланиш дастурига биноан, 2015 йилга қадар дунёдаги барча болалар камида бошланғич мактаб таълимини олишлари лозим эди. БМТнинг 2000 йилги маълумотига эътибор қаратадиган бўлсак, унда шундай дейилган эди: "Ҳозирги кунда ер юзида 89 фоиз мактаб ёшидаги болаларгина таълим олиш имкониятига эга, холос. Айни пайтда 69 миллионга яқин бола мактаб нималигини билмайди. Савод олишдан бебаҳра шунча болани ўқитишга эса қўшимча 10,3 миллионга яқин бошланғич таълим ўқитувчиларини жалб этиш зарур"[1].

Ўтган йиллар давомида олиб борилган ишлар миқёсини таҳлил этар эканмиз, бошланғич ва ўрта мактабларда таълим сифатининг ижобий томонга

[1]www.un.org/millenniumgoals



ошганлигини кўришимиз мумкин. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Муннинг таъкидлашича, Кавказ ва Марказий Осиё давлатлари бир қатор ижобий натижаларни қайд этган. Жумладан, мазкур минтақада бошланғич мактаб таълими билан қамраб олиниш даражаси 2000 йилдан 2011 йилга қадар 66 фоиздан 77 фоизгача ошганлиги қайд этилади[1].

БМТга аъзо мамлакатлар каторида Ўзбекистон Республикаси ҳам белгиланган муддат ичида бошланғич ва ўрта мактабларда таълим сифатини яхшилаш билан боғлиқ мақсадга эришиш учун аниқ режаларни ишлаб чиқди ва уларни бажариб келмоқда. Бошланғич таълим олиш ёшига етган ўқувчиларнинг дастлабки мактаб таълимини олиш билан боғлиқ кўрсаткичларга эътибор қаратадиган бўлсак, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 2011 йилда 99,7 фоизни ташкил этган бўлса, мазкур натижа Россия Федерациясида 96,6 фоиз, Қирғизистонда 95,3 фоиз, Аргентинада 93,1 фоиз, Покистонда 52,2 фоиз, Угандада 24,8 фоизни ўзида акс эттирди[2].

Қайд этиб ўтиш керакки, бошланғич ва ўрта мактаб таълимининг кафолати ва унинг давлат томонидан таъминланиши билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий ислоҳотларга мамлакат мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ тамал тоши қўйилди.

**Биринчи давр** Ўзбекистон Республикаси истиқлолининг дастлабки йиллариданоқ соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, орзу-умидларини рўёбга чиқариш каби халқимизнинг эзгу ниятларини инобатга олган ҳолда, давлатнинг узоқ истиқболга мўлжалланган дастурларини ишлаб чиқди. Ўзбекистон халқининг хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб, миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштирган ҳолда, ёшлар онгига сингдиришнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида ўз ифодасини топди. Мамлакатда бепул умумий таълим олиш билан боғлиқ ҳуқуқнинг Конституция даражасидаги кафолати ва мактаб ишларининг бошқа бир ташкилий тузилма эмас, балки фақатгина давлат томонидан назоратга олинганлиги фуқаролар учун бошланғич ва ўрта мактабларда таълим сифати барқарорлигини таъминлашнинг энг мақбул чорасини белгилаб берди.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, "Таълим соҳасида ўқув муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш борасидаги ишлар изчил давом эттирилди. Ўтган йили ҳаммаси бўлиб 540дан зиёд объект, шу жумладан, 380та мактаб, 160 дан ортиқ касб-ҳунар коллежи ва академик лицей тубдан янгиланди. Мазкур мақсадлар учун қарийб 550 миллиард сўм сарфланди. Ушбу маблағларнинг 120 миллиард сўмдан ортиғи таълим муассасаларини ўқув, лаборатория ва ишлаб чиқариш ускуналари, компьютер ва мультимедиа воситалари билан таъминлаш учун ажратилди"[3].

[1]www.un.org/millenniumgoals ООН Докладе за 2013 год о Целях развития тысячелетия "Улучшение жизни женщин и детей на Кавказе и в Центральной Азии".

[2] www.un.org/unsd/mng

[3] Каримов И.А. 2015 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади // Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2014 йилнинг асосий якунлари ва 2015 йилда Ўзбекистонни

Бугунги кунда Ўзбекистон “Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенция” ни имзолаган ва таълим билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор беради. Саводхонлик даражаси ҳамда ўрта ва касб-ҳунар таълими тизимидаги ўқувчилар ҳиссасини иқтисодий ривожланган давлатлардаги кўрсаткичлар билан қиёслаш мумкин бўлгани учун Ўзбекистонда глобал МРМ-2 га эришилган. Шу боис, республика учун бу соҳадаги вазифа 2015 йилга келиб бошланғич ва умумий ўрта таълим сифатини яхшилашдан ва таълимдан умумий баҳраманлик даражасини сақлаб қолишдан иборат[1].

Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиш даражасига эътибор қаратадиган бўлсак, 2003-2004 йилларда мамлакат таълим соҳасига ЯИМнинг 7,4 фоизга яқинини сарфлаган бўлса[2], 2013 йилда бу кўрсаткич ЯИМнинг 12 фоизга яқинини ташкил этганини кўришимиз мумкин.[3] Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда давлат сиёсатининг таълим соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган йўналишларига эътибор йилдан-йилга кучайиб бормоқда.

Мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган яна бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат 1992 йил 2 июлда қабул қилиниб, 1997 йил 29 августда янги таҳрирда матбуотда эълон қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонун бўлиб, унда бошланғич таълим умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган саводхонлик, билим ва кўникма асосларини шакллантиришга қаратилган таълим тизимининг босқичи эканлиги мустаҳкамлаб қўйилди[4].

Ўзбекистонда тўққиз йиллик (I-IX синфлар) ўқишдан иборат умумий ўрта таълим мажбурийдир. Шу билан бир қаторда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида ўқишни ўз ичига олувчи ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг ҳам 2009 йилдан бошлаб мажбурий эканлиги белгилаб қўйилди.[5]

**Иккинчи давр** Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган таълим ислоҳотларининг иккинчи даврига яъни, бевосита Минг йиллик ривожланиш дастурининг “Бошланғич ва ўрта мактабларда таълим сифатини яхшилаш” билан боғлиқ мақсадларининг мазмун-моҳиятини қамраб олувчи давлат дастурларига тўхталадиган бўлсак, бу давр асосан бошланғич ва ўрта мактаб таълимидан жамиятнинг барча тоифалари баҳраманд бўлишини таъминлашга қаратилганлиги билан ажралиб туради.

Мазкур соҳадаги ислоҳотларга тўхталадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 19 февралдаги “2004-2008 йилларда

ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2015 йил 20 январь. №14.

[1] Раҳмонов Қ. “Ўзбекистонда Минг йиллик ривожланиш мақсадлари”. Рисола (ўзбек тилига таржима) Polispektr. – Т., 2004. – Б. 6.

[2] Раҳмонов Қ. “Ўзбекистонда Минг йиллик ривожланиш мақсадлари”. Рисола (ўзбек тилига таржима) Polispektr. – Т., 2004. – Б. 6.

[3]www.un.org Письмо Постоянного представителя Узбекистана при Организации Объединенных Наций от 4 апреля 2013 года на имя Генерального секретаря 13-28415 (R) 100413100413 *1328415*Distr.: General 8 April 2013 Russian Original: English.

[4]Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда; 2013 й., 41-сон, 543-модда).

[5] Кадрлар тайёрлаш миллий дастури (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон, 295-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 150-модда; 2013 й., 41-сон, 543-модда).



мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармойишига биноан тузилган махсус комиссия томонидан 2004-2009 йилларда “Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури” ишлаб чиқилди ва 2004 йил 9 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланди. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 27 июлда қабул қилинган “Умумтаълим мактаблари битирувчиларининг академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқишини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 427-Қарори натижасида 2009 йили умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчилари 100 фоиз академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан қамраб олинишига эришилди[1].

Хулоса ўрнида таъкидлаш керакки, Минг йиллик ривожланиш мақсадларининг иккинчи устувор йўналиши бўлмиш “Бошланғич ва ўрта мактабларда таълим сифатини яхшилаш” билан боғлиқ тизим яратилишидан деярли ўн йил муқаддам Ўзбекистон мажбурий ва бепул таълимни мустаҳкамлаб қўйган эди. Эътиборли томони шундан иборатки, Дастур мақсадларининг амалиётга татбиқ этилиши натижасида 2009 йилдан бошлаб Ўзбекистонда нафақат тўққиз йиллик умумий ўрта, балки қўшимча уч йиллик ўрта махсус ва касб-ҳунар таълимининг бепул ҳамда мажбурийлиги тўлиқ таъминланди.Ўзбекистон қарийб юз фоизлик саводхонлик даражаси билан дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари сафидан жой олди. Таълимнинг етти тилда олиб борилиши, биринчи синфдан бошлаб хорижий тиллар ўргатилиши диққатга сазовор ҳолатдир.

Мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тадқиқ этган ҳолда, қуйида таълим тизимини тартибга солувчи қонун нормаларини такомиллаштириш билан боғлиқ бир қатор таклифлар илгари сурилади.

Биринчидан: Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва амалдаги Оила кодекси нормаларини бир-бирига мувофиқлаштириш таклиф этилади. Бизнинг назаримизда, “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддаси белгиланган умумий ўрта, шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги билан боғлиқ норма Оила кодексининг 15-моддасига биноан, белгиланган ёшга етиб, никоҳ муносабатларига киришган ва фуқаролик муомала лаёқатига тўлиқ эришган шахсларнинг ўз хатти-ҳаракатларини мустақил тарзда амалга ошириши билан боғлиқ ҳуқуқларининг чекланишига олиб келмоқда.

Иккинчидан: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 июндаги 109-сонли қарорига илова сифатида қабул қилинган “Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига қабул қилиш ва расмийлаштиришни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги низомнинг 1-бандида белгиланган “умумтаълим

[1]“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4. май, 2012 й.

мактабларининг 9-синф битирувчиларини ўзлари ва ота-оналари (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) томонидан танланган таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқитишни ташкил этиш тартибини белгилайди"деган нормадаги "ўзлари ва ота-оналари" жумласини "ўзлари ёки ота-оналари" деган жумла билан ўзгартириш тавсия этилади. Чунки мактабни битириб 16 ёшга тўлган шахс, агарда амалдаги Фуқаролик кодексининг 28-моддасида белгиланган асосларга кўра тўла муомала лаёқатини қўлга киритса ёки Оила кодексининг 15-моддаси 2-қисмида белгиланган тартибда 16 ёшга тўлган аёл тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлса, улар қонунчилик нормаларига биноан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар субъекти ҳисобланади ва таълим муассасасини мустақил танлаш ҳуқуқини қўлга киритади.